

Ўзбекистон Республикаси Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлиги  
хузуридаги “Маҳалла ва оила” илмий-тадқиқот институти ва  
Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги  
Санитария, гигиена ва профессионал касалликлар илмий-тадқиқот  
институти ўртасида ҳамкорлик

МЕМОРАНДУМИ

2021 й «11» аввар

Тошкент шаҳри

Бугунги кунда республикамызда аҳолимиз турмуш тарзини янада яхшилаш, маънавий-маърифий муҳитни раванқ топтириш, соғлом турмуш тарзини сингдириб бориш, маҳалла ва оила институтларини мустаҳкамлаш, хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш ҳамда ижтимоий фаолликни оширишга қаратилган чора-тадбирлар аниқ илмий-асосланган таклиф ва тавсиялар билан кучайтириш долзарб бўлиб қолмоқда.

Шу мақсадда, «Маҳалла ва оила» илмий-тадқиқот институти бир томондан ва иккинчи томондан Санитария, гигиена ва профессионал касалликлар илмий-тадқиқот институти (*кейинги ўринларда Томонлар деб юритилади*) Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 18 февралдаги ПФ-5938-сонли «Жамиятда ижтимоий-маънавий муҳитни соғломлаштириш, маҳалла институтини янада қўллаб-қувватлаш ҳамда оила ва хотин-қизлар билан ишлаш тизимини янги даражага олиб чиқиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 10 июндаги 367-сонли “Ўзбекистон Республикаси маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлиги ташкил этиш тўғрисида”, Қарори ҳамда Ўзбекистон Республикаси аҳолисини соғлом овқатланиши ва фаол турмуши бўйича белгиланган вазифалар, тамойиллар, ҳуқуқ ва ваколатларга таянган ҳолда қуйидагиларга келишиб олдилар.

**I. Ҳамкорлик мақсади**

Тарафлар умумий мақсадларидан келиб чиқиб, аҳоли ўртасида, жумладан маҳалла ва оила аъзолари, айниқса ўсиб келаётган ёш авлод ўртасида соғлом турмуш тарзини тарғиб этиш, тўғри овқатланиш, умумий ва маиший (уй-рўзғор) гигиена қоидаларига оид билим ва кўникмаларини ошириш, мазкур тушунчаларни ҳаёт тарзига сингдириб бориш бўйича илмий-услубий-амалий асосларини яратишда биргаликда фаолият юритиш ҳисобланади.

## **II. Умумий қоидалар**

2.1. Ҳар икки Томон ушбу меморандумдан келиб чиқадиган, ўз зиммасига олган мажбурият ва ҳуқуқларини учинчи Томонга бериб қўйишга ҳақли эмас.

2.2. Бирор Томоннинг учинчи Томон билан, ушбу меморандум предмети бўлган масалалар бўйича шартномавий муносабатларга кириш ҳуқуқини чекламайди. Бунда бу алоқалар, мазкур меморандумдан келиб чиқадиган, бошқа Томоннинг ҳуқуқини поймол этмаслиги шарт.

2.3. Бирор Томоннинг ушбу меморандум доирасидан ташқари бўлган фаолияти бошқа Томоннинг фаолиятига маънавий ёки моддий зиён етказмаслиги керак.

2.4. Меморандум ёки унга мувофиқ тузилган бошқа келишувларнинг бажарилиш жараёнида ҳар бир Томон бошқа Томонга тақдим этган ёки ундан қабул қилган ҳужжат, конфиденциал ахборотларни ёки бошқа маълумотларни ошкор қилмаслик.

2.5. Ҳар бир Томон бошқа Томоннинг ўзаро манфаатли масалалар бўйича тадбирларида ўз вакиллари иштирокини таъминлайди.

## **III. Меморандум доирасидаги вазифалар**

3. Ҳамкорлик қуйидаги устувор вазифаларни белгилайди:

- гигиенанинг оила ва никоҳ, репродуктив саломатлик, шунингдек, соғлом турмуш тарзи, тиббий маданиятнинг негизи эканлигини ёритишга қаратилган методик тавсиялар тайёрлаш;

- маҳаллаларда истиқомат қилувчи оилаларнинг хонадонларида санитария-гигиена ҳолатининг зарур даражасини таъминлаш орқали касалликларни бир неча баробар қисқартиришга эришиш бўйича илмий-асосланган таклифлар ишлаб чиқиш;

- оилаларнинг санитария-гигиена ҳолатдаги муаммоларни ҳамкорликда ўрганиш ва мутасадди вазирлик ва ташкилотлар томонидан амалга оширилаётган чора-тадбирлар самарадорлигини баҳоловчи индикаторлар, кўсаткичларни ишлаб чиқиш;

- санитария-гигиена масалаларининг маҳаллалар, хонадонлар ва оилалардаги ҳолатларини ўрганиш юзасидан соҳага оид илмий тадқиқотлар ўтказиш;

- Ҳаракатлар стратегияси ва Давлат дастурларида белгиланган вазифаларни амалга ошириш бўйича республика ва халқаро миқёсдаги конференция, семинар-тренинг, давра суҳбатлари, форум ва бошқа тадбирларни ташкил этиш ҳамда малакали мутахассислар иштирокини таъминлаш.

#### IV. Меморандум амал қилиш муддати

4.1. Томонлар ўртасида ҳамкорлик фаолияти жараёнида юзага келган барча низоли масалалар ўзаро келишув йўли билан ҳал қилинади.

4.2. Ушбу Битим томонлар вакиллари томонидан имзоланган вақтдан бошлаб кучга киради ва 3 (уч) йил муддат давомида амал қилади.

4.3. Томонлар ўзаро ёзма келишув орқали мазкур Меморандумга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиши мумкин.

4.4. Мазкур меморандум томонларга молиявий жавобгарлик масъулиятини юкламайди.

4.5. Мазкур Меморандум 2 (икки) нусхада давлат тилида тузилиб, қуйидагилар томонидан имзоланди:

#### V. Т о м о н л а р

Ўзбекистон Республикаси  
Маҳалла ва оилани қўллаб-  
қувватлаш вазирлиги хузуридаги  
“Маҳалла ва оила” илмий-  
тадқиқот институти директори



  
Н. ЭГАМБЕРДИЕВА

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни  
сақлаш вазирлиги  
Санитария, гигиена ва профессионал  
касаликлар илмий-тадқиқот  
институти директори



  
В. АДИЛОВ